# 4-МАВЗУ: Педагогик мулоқот - ўқитувчининг ижодий фаолияти сифатида

З.К.ИСМАИЛОВА

ТОШКЕНТ – 2020

# РЕЖА

**1. Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари**
**2. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг жонли мулоқотини ташкил этиш**
**3. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этиш усуллари ва мулоқотда тарбиявий жараён тамойиллари**
**4. Ўқитувчининг мулоқот асосида гурух жамоасини бошқариш усуллари**
**5.Ўқитувчининг гурух жамоасини мулоқот асосида бошқариш босқичлари**
**6. Педагогик мулоқотни ташкил этиш йуналишлари**

# РЕЖА

1

**Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари**

# Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари

**Мулоқот -** **юнонча сўз бўлиб, суҳбатлашув, шахслараро суҳбат ва ўзаро фикр алмашув, икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг сўзлашувида пайдо бўлади. Инсон мулоқот жараёнида ижтимоий тажриба, таълим-тарбия, турли муносабатлар, ахлоқий меъёрлар ғоя ва мафкура омиллари таъсирида яшаб ижтимоийлашади ва шахс сифатида камолотга етади. Кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқот педагогик— психологик фанларнинг асосий категорияларидан бири ҳисобланиб, у ўз ичига шахслараро муносабатнинг энг муҳим механизмларини қамраб олади.**



**Педагогик мулоқот - бу ўқитувчининг ўқувчилар билан дарсда ва дарсдан ташқари фаолиятда энг қулай психологик муҳитни вужудга келтириб, ижобий руҳий иқлимни яратиши учун имконият берувчи касбий муносабатидир.**

**Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро яқин мулоқотидан асосий мақсад:**

- ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш;

ўқувчиларнинг яширин қобилиятларини уйғотиш;

дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда кувонч ва шодлик кайфиятини пайдо қилиш.

ўқувчиларни фаолликка, эркин фикрлашга, ўз фикр мулоҳазаларини чўчимасдан баён қилиб унга таянишга ўргатиш;

салбий ҳолатларни вужудга келтирувчи барча жараёнларга барҳам бериш;

**Мулоқот  ўқитувчи ва ўкувчилар жамоасининг ўзаро таъсир малакаси, усули ва тизимини англатиб унинг мохдяти, ўзаро бир-бирларини тушунишга эришишларида намоён бўлади ҳамда қуйидаги хусусиятларга эга:**



- мулоқот ўқитувчининг педагогик фаолиятида энг мухда касбий курол хдсобланади;

- мулоқот жараёнида унинг мақсадга мувофиқ амалга оширишни таъминлаш учун ижтимоий назорат ва ижтимоий қонуниятлар муҳим аҳамиятга эга;



- ўқитувчи ва ўкувчи муносабатларининг энг муҳим таркибий қисми мулоқот саналиб, мотивацияда мотив қандай аҳамият касб этса, у ҳам худди шундай муҳим рол ўйнайди;

• педагогикада мулоқот - ўк^пувчининг ўқувчиларга таъсир ўтказиш асосида ўзаро муносабатини фаол ташкил қилиши, муайян бир мақсадни дастур асосида амалга оширишнинг режалаштирилган функциясини бажаришидир;

• мулоқот - ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқади ва шахслараро муносабат ривожланишининг кўп қиррали жараёни ҳисобланади;

• нотўғри педагогик мулоқотдан ўкувчида қўрқув, ўз кучига ишончсизлик пайдо бўлади, унинг диққат-эътибори, ишчанлик ҳаракати сусаяди, нутқ динамикаси бузилади, мустақил ва эркин фикрлаш қобилияти пасаяди.

# РЕЖА

2

**Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг жонли мулоқотини ташкил этиш**

## . Ўқувчининг жамоа билан яхши муносабатда бўлиши учун ўқитувчи қуйидаги омилларга эътибор бериши шарт

хар бир ўқувчига алоҳида педагогик топшириқлар қўйиш

жамоада ўзаро хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам муҳитини шакллантириш

оиланинг тарбиявий таъсиридан ўз ўрнида фодаланиш

***ўқувчиларнин***
***г ўзаро***
***алоқаларини***
***кучайтирувчи***
***, ижодий***
***фаолиятини***

***ривожлант***
***ирувчи***
***фаолиятла***
***рини***
***ташкил***
***қилиш;***

***ўқувчиларга***
***ўзаро тенг,***
***адолатли***
***муносабатда***
***бўлиш***

**Педагогик мулоқот функциялари. Ўқитувчининг педагогик мулоқоти ижтимоий-психологик жараён бўлиб, куйидаги функциялари билан характерланади:**

- ўкувчиларнинг психик ҳолатини мукаммал билиши;
- ўқувчини эркин фикр-мулоҳаза юритишга ўргатиши;
- ўзаро ахборот алмашишни йўлга қўйиши;
- салбий ҳолатларни сицф жамоаси билан биргаликда бартараф этиши;
- таълим-тарбиявий фаолиятни биргаликда ташкил этиши;
- дўстлар учун қайғуриш ва уларга ёрдам беришга ўргатиш;

# Педагогик мулоқоти тузилиши қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Прогностик этап: Уқитувчи томонидан синф жамоаси билан бўлажак мулоқотни моделлаштириш.
2. Коммуникатив алоқа: Укувчи билан дастлабки ўзаро танишув жараёнида бевосита мулоқотни ташкил этишга эришиш.
3. Педагогик жараён: Уқитувчининг хатти - ҳаракати, педагогик маҳора-ти бевосита мулоқотни бошқаришга қаратилган бўлиши керак.
4. Натижалар таҳлили: Амалга оширилган мулоқотни таҳлил этиш, ютуқ ва камчиликларни холисона баҳолаб келгуси фаолият учун моделлаштириш.

# РЕЖА

3

**Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этиш усуллари ва мулоқотда тарбиявий жараён тамойиллари**

**Ўқитувчи касбий фаолиятидаги жонли мулоқот қобилиятини такомиллаштириш учун ўз олдига доимо қуйидаги саволларни қўйиб, унга мустақил фикр-мулохазаси асосида жавоб бера олиши керак:**

**1. Нимага ўргатиш:**

| | |
|---|---|
| | **а) ўқувчиларни ўрганилаётган мавзу бўйича илмий янгиликлардан хабардор этиш, фан терминларини тушунтириш, ўкув предметини тўлиқ ўзлаштириш;**<br><br>**б) ўқувчиларда шахс эркинлигини, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш;**<br><br>**в) ўқувчиларнинг ўрганилаётган фан бўйича қобилиятларини, кўникма ва малакаларини шакллантириш;**<br><br>**г) янги мавзуни фанлараро алоқадорлик асосида тушунтириш;**<br>**д) дарс жараёнини педагогик ва ахборот технологияларининг қизиқарли методлари асосида ташкил этиш.** |

## 2. Кимни ўргатиш:

а) келажакда мамлакат тараққиёти учун масъул, давлат сиёсатининг устувор соҳаси бўлмиш комил инсонга таълим-тарбия бериш;

б) ўкувчиларнинг билим олиш ва тарбияланиш жараёнида дуч келадиган муаммоларни ва қийинчиликларни мустақил бартараф этишга ўргатиш;

в) ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини қосил қилиш;

г) дарс ва дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнини ўкувчилар фикрларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш;

д) ўкувчилар ёш ва мурғак қалб эгаси эканлигини, улардаги психологик ўзгаришлар ва ривожланишларни инобатга олиш зарурлигини унутмаслик;

е) иқтидорли ўқувчилар билан якка ҳолда фаолият олиб бориш.

## 3. Қандай ўргатиш:

| | |
|---|---|
| | а) ўқитувчи ўз фаолияти давомида тўплаган тажрибалари асосида педагогик, компьютер ва ахборот технологияларини қўллаган ҳолда таълим бериши;<br><br>б) юксак педагогик маҳорат билан дарс ва дарсдан ташқари вазиятларда тарбиявий жараённи миллий мафкура, анъана ва қадриятлар асосида ташкил этиши;<br><br>в) ўкувчиларни билим олишга қизиқишини ошириш мақсадида педагогик таъсир кўрсатишнинг турли усулларидан фойдаланиш;<br><br>г) таълим-тарбиявий фаолиятда белгиланган мақсадга эришиш учун, маҳалла фаоллари, ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш. |

# *РЕЖА*

**4**

**Ўқитувчининг мулоқот асосида гурух жамоасини бошқариш усуллари**

**Педагогик мулоқот маданияти- ўқитувчи фаолиятини муваффақиятга йўналтирувчи энг муҳим восита, бунда ўқитувчининг муҳим фазилати, унинг мулоқот маданиятига асосланган муомаласидир.**

**Ўқитувчи ўқувчилар билан муомалага киришиш асосида:**

- **Шарқона удум ва урф-одатларимиз асосида баркамол шахсни шакллантиради.**
- **Ўзининг таълим-тарбиявий имкониятларини намойиш этган ҳолда, ҳар бир ўқувчи қалбига йўл топади.**
- **Ўз ижодкорлигини ва педагогик маҳоратини намойиш қилади.**
- **Ёш авлодни миллий мафкурамиз ва миллий маданиятимиз руҳида тарбиялайди.**

Ўқитувчининг педагогик мулоқоти амалда ўзининг учта шакли билан намоён бўлади:

- ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро мулоқотда, нисбатан мўътадил муносабатда бўлиши ва талабалар жамоаси томонидан ҳал этилаётган барча муаммолардан ўзини четга олиши.

- билимларни эгаллашда ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликда ҳамкорлик қилишлари;

- ўқитувчининг ўкувчиларга тазйиқ ўтказиши ва уларнинг фаоллигини рўёбга чиқармаслиги;

## Педагогик фаолиятда ўқитувчи мулоқот орқали қуйидаги функцияларни бажаради:

бирпнчидан,, таълим-тарбия жараёнининг ўқитувчи томонидан якка ҳолда олиб борилиши ва бу фаолиятга ягона ўзи жавобгарлиги;

иккинчидан, таълим-тарбия жараёнида бир мақсадга йўналтирилган ижтимоий - психологик тизимнинг бир маромда таъминлаши;

учинчидан, таълим ва тарбиянинг муваффақиятини белгиловчи ўқитувчи ва ўкувчиларнинг ўзаро муносабатида муайян бир тизимнинг ташкил қилиниши;

тўртинчидан, ўқувчини мустақил фикрловчи эркин шахс сифатида шакллантириш, яширин истеъдодини рўёбга чиқаришга эришиш имкониятларидан фойдаланиш;

бешинчидан, комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси сифатида ўқитувчи педагогик фаолиятининг бирламчи вазифаси эканлигини унутмаслик.

# ШАХСНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

- ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШ
- ИЖТИМОИЙ МАКОМ
- ИЖТИМОИЙ РОЛ
- ИЖТИМОИЙ НАЗОРАТ
- ИЖТИМОИЙ МЕЬЁРЛАР
- ИЖТИМОИЙ САНКЦИЯЛАР

## РЕЖА

5

**Ўқитувчининг гурух жамоасини мулоқот асосида бошқариш босқичлари**

**Ўқитувчи мулоқотини таъминлайдиган талаблар қуйидаги шароитларда ижобий натижалар беради:**

1. Қўйилаётган галаблар ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш туйғуси билан уйғунлашган, ёш хусусиятлари инобатга олинган бўлиши керак.

2. Талаблар муайян мактаб ёки синфдаги мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда қўйилиши лозим.

3. Жамоанинг таълим-тарбиявий фаолиятига нисбатан қўйилаётган талаблари жамият талаблари билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши шарт.

4. Ўқувчиларнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, юриш-туриши ҳамда муомаласига нисбатан қўйилаётган талаблар, уларда маънавий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

# АУДИТОРИЯ БОШҚАРУВЧИСИНИНГ ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ

1. Профессионал компетенция
2. Услубий компетенция
3. Ижтимоий-психологик компетенция
4. Аутопсихологик компетенция
5. Ижтимоий-информацион компетенция

# АУДИТОРИЯ БОШҚАРУВЧИСИНИНГ ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ

6 Коммуникатив компетенция

7 Когнитив компетенция

8 Махсус компетенция

9 Маданий компетенция

# Таълим тизими бошқарувчисига хос профессионал компетенциялар



# РЕЖА

6

**Педагогик мулоқотни ташкил этиш йуналишлари**

**Ўқитувчининг мулоқоти асосида ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш жараёнига таъсир этувчи куйидаги омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга:**

Ўқувчи маънавий фаолият асосида ўзлигани англашни шакллантириш учун маълум бир муҳитда маънавий қадриятлар билан ҳаракат орқали мулоқотга киришади.

Маънавий қадриятларнинг моҳияти, маънавий-ахлоқий тажриба, ўқитувчининг таъсирчан нутқий мулоқоти воситасида ўқувчи онгига сингдирилади.

Ўқитувчи мулоқот асосида ўқувчтарда ҳам ижодкорлик омилини такомиллаштириб боради.

Ўқувчи маънавий маданиятини шакллантиришнинг муваффақияти ўқитувчининг мулоқот олиб бориш психологик тактикаси омилларига ҳам боғлиқ.

Маънавий қадриятларнинг тарбиявий моҳиятидан таъсирланиш ва амалий фаолиятда уларга таяниш, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилишини таъминлаб, ўқувчи маънавий маданиятини тарбиялашдаги аҳамиятини такомиллаштириш таълим-тарбия жараёнининг иштирокчиларидан доимий ижодкорликни талаб қилади.

# *Ўқитувчи мулокот жараёнида қуйидаги “Ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш методлари”дан фойдаланиши мумкин*

***ўз-ўзини таҳлил қилиш ва назорат қилиш***

***ўз-ўзини баҳолаш (тенгдошларига тақлид қилиш асосида)***

***изоҳлаш (ўқувчининг маънавий-ахлоқий сифатлари изоҳланади)***

***мунозара (ўқувчиларга сиёсий, маданий, эстетик, ҳуқуқий мавзу-ларда оғзаки таъсир ўтказиш)***